

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОТА-ОНАЛАРИГА
ПЕДАГОГИК БИЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Турсунова Шахноза Собиржановна
Наманган давлат университети докторантни

Аннотация: Бошлангич синф ўқувчиларининг яъни боланинг шахс сифатида шаклланиши ва таълим-тарбия жараёнида муваффақиятга эришишида ота-оналарнинг ролининг ахамияти хамда уларнинг ота-оналарига педагогик билим бериш хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: педагогик билим, ота-оналар, тўғри ёндашув, мақсадга эришиш, бола шахси, интерактив мулоқот.

**ТЕХНОЛОГИИ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ЗНАЙ
РОДИТЕЛЯМ НАЧИНАЮЩИХ УЧАЩИХСЯ**

Турсунова Шахноза Собиржановна
Докторант Наманганского государственного университета

Аннотация: роль отцов и матерей в воспитании детей и воспитании детей в процессе обучения и воспитания детей определялась их педагогическим образованием.

Ключевые слова: педагогические знания, отцовство, воспитание детей, воспитание детей, интерактивные развлечения.

**TEACHER EDUCATION TECHNOLOGIES FOR
HIGH SCHOOL PUPILS**

Tursunova Shakhnoza Sobirzhanovna
Namangan State University Doctoral Program

Abstract: the role of fathers and mothers in the upbringing of children and the upbringing of children in the process of education and upbringing of children was determined by their pedagogical education.

Topics: pedagogical knowledge, fatherhood, parenting, parenting, interactive entertainment.

Кириш

Боланинг шахс сифатида шаклланиши ва таълим-тарбия жараёнида муваффақиятга эришишида ота-оналарнинг роли бекиёсdir. Бошлангич синф ўқувчиларининг таълимида ота-оналарнинг фаол иштироки ва педагогик

билимга эга бўлиши боланинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, ота-оналарга педагогик билим бериш технологияларини қўллаш замонавий таълим тизимининг муҳим йўналишларидан бири хисобланади.

Ота-оналарга педагогик билим беришнинг аҳамияти

Ота-оналарга педагогик билим бериш қўйидаги мақсадларга эришишни қўзда тутади:

Бошланғич таълим жараёнида болаларга тўғри ёндашишни ўргатиш.

Боланинг психолоргик, ижтимоий ва жисмоний ривожланишини қўллаб-куватлаш.

Ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш ва бола билан самарали мулоқот ўрнатишга кўмаклашиш.

Мактаб ва оила ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Ота-оналарга педагогик билим бериш технологиялари

1. Тренинг ва семинарлар ташкил қилиш

Ота-оналар учун маҳсус педагогик машғулотлар ўтказиш.

Психологлар ва педагоглар томонидан интерактив дарслар ўтказиш.

Болаларнинг ёшига мос тарбия усуслари бўйича амалий тавсиялар бериш.

2. Масофавий таълим платформалари

Онлайн вебинарлар ва видео дарслар ташкил қилиш.

Электрон ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш.

Телеграм ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали маслаҳатлар бериш.

3. Интерактив мулоқот ва маслаҳат бериш

Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида даврий мулоқотларни ташкил қилиш.

Индивидуал маслаҳатлар ва боланинг ўқув фаолияти бўйича тавсиялар бериш.

Боланинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

4. Педагогик адабиёт ва ресурслар тақдим қилиш

Босма ва электрон методик қўлланмалар тайёрлаш.

Ота-оналарга болалар психологияси ва педагогикаси бўйича билим бериш.

Мактаб кутубхонасидан фойдаланиш имкониятларини яратиш.

5. Ўйин ва тадбирлар орқали ўргатиш

Оилавий тадбирлар ва ўйинлар уюштириш.

Болалар ва ота-оналар учун ижтимоий фаолиятларни ташкил этиш.

Ота-оналарнинг бола билан ўзаро муносабатини яхшилаш учун амалий машғулотлар ўтказиш.

Хулоса

Бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига педагогик билим бериш – боланинг баркамол ривожланишига ёрдам берадиган муҳим жараён

хисобланади. Замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ота-оналарни ўқитиш нафақат боланинг мактабдаги муваффақиятини оширади, балки оилада соғлом психологик мухит яратишга ҳам ҳисса қўшади. Шу боис, педагоглар ва мактаб раҳбарияти ота-оналар билан яқин ҳамкорлик қилиш ва уларга педагогик кўмак бериш йўлларини мунтазам равишда такомиллаштириб боришлари лозим.

Улуғ донишмандлардан бири «... келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит», деган экан. Юртимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақиқий маънода бир-икки йиллик ёки қисқа даврда самарага эришишга қаратилган иш эмас, балки чин маънода бир неча юз йилларга татийдиган ўзгариш бўлди, десак хато бўлмайди. Бу президентимизнинг келажагимиз, келажак авлодимиз ҳақида қайгуриб, юртимизнинг барча фарзандлари – менинг фарзандларим, улар бизлардан кўра кучли, билимли ва албатта баҳтли бўлишлари керак, деган ғояси замирида донишмандларча сиёsat ётганини кўrsатади.

Маълумки, таълимда илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда мухим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш жараёнини мунтазам ўрганиш, эришилган нати жаларни мониторингини олиб бориш, шу орқали педагогика фани ва таълим тизимини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар нинг асл мазмун-моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос талқинлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бу эса ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш жараённинг мазмун-моҳиятини чукурроқ анг лашга бўлган қизиқишининг ортиб бораётганини ва унинг ижти моий-гуманитар фанларнинг асосий мавзуларидан бирига айлан ганини кўrsатади.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш муваммоларнинг ўсиши, бир томондан, ундаги таълим ва тарбия уйғунлиги тамойиллари билан, бошқа томондан эса тарихий-маданий, педагогика ва психология оид билимларнинг ривожланишга доир илмий-назарий аҳамиятга эга таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш даражаси, педагогика ва психология фани ютуқлари ҳамда улардан қай даражада фойдаланиш йўллари ва кишилар ўзаро муносабатларига таъсирини баҳолашнинг замонавий усул ва воситалари кўrsатилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятининг белги лари ва элементлари, виртуал хулқ-атвор ва мулоқот маданияти, виртуал дунёдаги маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва педагогик фаолиятини ўрганиш ҳамда виртуал муносабатларни ёшларни тарбиялашдаги ролини кучайтириш, уни янги босқичга кўтариш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишига оид таклиф ва тавсиялар берилиган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти ни ривожлантиришни чуқурроқ англаб етиш ва бу борада амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин лиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан ахборотлашган жамият ша роитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривож лантириш муаммоларни чуқур тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқи ладиган маънавият ва маърифат соҳасини самарали ривожлан тириш қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал педагогик маданиятини ривожлантиришга доир ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар асосида: “виртуал реаллик”, “виртуаллик маданият”, тушунчалари илк маротаба педагогик таълим ва тарбия тизимининг мезон тамойиллари ва маънавий-ахлоқий меъёрлари орқали асослаб берилиб, уларни комплекс ўрганишга доир янги парадигмавий ёндашувлар ишлаб чиқилган, илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2022 йилларда ўтказилган тарғибот ва ташвиқот фаолият ларида татбиқ этилган.

Ота-оналар маданияти салоҳиятини рўёбга чиқариш мезонлари бўлган болаларни оиласда тарбиялаш ва ижтимоийлаш тириш муаммоларини ҳал қилиш замонавий жамиятда юзага келадиган ижтимоий муаммоларга бевосита боғлиқдир. Ушбу муаммоларга ёш авлодни ижтимоийлаштириш, болаларга маъна вий-ахлоқий тарбия бериш ва қадриятлар йўналишини ўзгарти риш, авлодларнинг ўзаро алоқалари услубларини ўзгартириш, ахборот жамиятининг манфаатларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ахлоқий кўрсатмаларини шакллантириш киради. Кўрсатилган рўйхат ота-она маданиятининг моддий асосини ташкил этади. Бугунги кунда жамиятда ёш авлодни ижтимоийлаш тиришнинг долзарб муаммоси турибди.

Жамиятда мавжуд бўлган бекарорлик, унинг ижтимоий қайта ташкил этилиши, табақаланиш даражаси ошиши, индивидуал шахслар ва турли гуруҳларнинг турмуш тарзлари ва қадрият йўналишларининг хилма-хиллиги, авлодлар ўртасидаги зиддиятнинг келиб чиқиши ҳисобга олинса, кўплаб ота-оналар зарур функцияларни тўлиқ бажара олмайдилар. Бу ота-оналарнинг

кўпчилигининг таълим муаммоларини ҳал қилишга тайёр эмаслиги ва уларнинг ота-она маданиятининг пастлиги билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. To’ldirilgan qayta nashr. – Toshkent: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2007. – 175 bet.
2. Программа непрерывной педагогической практики студентов 1-3 курсов / Автор-составитель: Э.Р.Юзликаева. – Ташкент: ТГПУ им. Низами. 2009. – С. 30-35.
3. Талабалар малакавий амалиётини ташкил қилиш, назорат этиш ва баҳолаш методикаси / Методик қўлл. Б.Ҳасанова ва бошқ. – Тошкент: 2008. – 35-43-бетлар.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 66-бет.
5. Ҳайитов А. Синф раҳбари / Ўрта мактабларнинг синф раҳбарлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008. – 38-бет.
6. Ҳоликова З. Индивидуал ёндашув асосида бошлангич синф ўқитувчиларида инновацион фаолият малакаларини шакллантириш / Методик қўлл. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 31-бет.